



Жанубий Корея озик-овкат саноати мусулмон диаспорасига ўз эътиборини қаратмокда, бу ўз навбатида, махсулотларга халол сертификати олишга бўлган кизиқишни уйғотмокда.

Лагмон ва енгил таомлар ишлаб чиқарувчи Nongshim компанияси халол сертификати олишга иштиёқ билдирган компаниялардан бири ҳисобланади. Бу ширкат Пусан шаҳрида махсус ишлаб чиқариш базасига асос солади ва 2011 йилда тез тайёрланадиган Shin Ramyun ва Yukejang Noodle шўрвасини халол-сертификат билан ишлаб чиқара бошлайди. Янги халол махсулотлар бозорга кириб келиши билан савдо-сотикда кескин ўсиш кузатилади ва бу ширкат айни дамда ўз лагмонларини Саудия Арабистони, Катар ва БАА каби давлатларга экспорт қилади. 2014 йил ноябр ҳолатига Nongshim номи остидаги махсулотлар олди-сотдиси 2,5 миллион АКШ долларини ташкил қилади.

2013 йили яна бир KJ Cheil Jedang ширкати ўзининг 433 хилдаги махсулотларига Малайзия Ислоҳ Ривожланиш Ташкилотидан (JAKIM) халол сертификатини қўлга киритди. Эндиликда ширкат ўзининг халол махсулотларини Малайзия ва Сингапур бозорларига экспорт қилмокда. Келажакда экспорт қўламини кенгайтириб Индонезия ва Яқин Шарқ давлатлари бозорларига чиқишни режалаштирган. Жанубий Корея озик-овкат махсулотлари рақобатчиларидан бири OurHome ширкати ҳам ўзининг қадокланган кимчиларига Жанубий Кореяда бундай сертификат берадиган ягона ташкилот ҳисобланадиган Корея Мусулмонлари Иттифоқидан халол сертификатини олди. Бунинг учун у ишлаб чиқариш жараёнидан майда қисқичбака қайласи (ханафий мазҳабига қўра балиқдан бошқа денгиз таомларини истеъмол қилиш жоиз эмас) ва винони чиқариб ташлади. Шунингдек, Pepero, Crown Confectionery ва Orion Group (Choco Pies) каби қандолат махсулотлари таъминотчилари ҳам халол сертификатига эга бўлиш учун махсулот таркибида бир қанча ўзгаришларни амалга оширишди.

Тошкенбой